(XVI асрнинг 2-ярми – 1623-йил)
(1602-1623)

Хива хони. Шайбонийлар сулоласидан Хоразм хони Хожи Мухаммадхон (Хожимхон) (1598-1602-йиллар)нинг кенжа ўгли. Отаси хаётлигида Хива хокими бўлган. Отаси вафотидан сўнг 1602-йили хонлик тахтига чиккан. Абулгози Баходирхоннинг ёзишича, унинг даврида Россия чегарасини кўриклаб турган Ёйик казаклари атамани Нечай ва атаман Шамай бошчилигида Урганчга хужум килдилар. Уларни Хива кўшинлари тор-мор килдилар. 1620 ва 1621-йилларда калмоклар Хоразмга юриш килиб, кишиларни асирга олганлар. Унинг даврида Хива хонлигига калмок ва козоклар бир неча марта хужум килиб галабага эриша олмадилар. Араб Мухаммадхон даврида Хива хонлигида давлат парокандалик юкори нуктасига етган. Амударё ўзанинг ўзгариши ва натижада унинг куриб бориши бу даврда хам давом этди. Натижада, Араб Мухаммадхон хонлик пойтахтини Урганчдан Хивага кўчиришга мажбур бўлган. Таркоклик ва урушлар авж олганлиги Хиванинг маъмурий тузилишига таъсир этди. Араб Мухаммадхон даврида ички низолар авж олиб, хонликнинг маъмурий тузилишига салбий таъсир этган. Чунончи, хар бир шахзоданинг ўз ерида шахсий идора аппарати – ўз аёнлари, хазинаси, ясовуллари, божхона хизматчилари ва бошкалар бўлган. 1623-йилда ўгиллари Хабаш ва Элбарс султонлар тахт талашиб унга карши уруш бошладилар. Бу урушда Араб Мухаммадхон енгилиб, Кум калъага камалган ва ўша ерда 1623-йилда вафот этган.